

Хушхабар: Тошкентда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф номидаги масжид очилди



16:40 / 10.05.2019 14916

Қарийб бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ номидаги барпо этилаётган мажмуада қурилиш ишлари бир лаҳза бўлсин-да, тўхтагани йўқ. Ва, ниҳоят мажмуада қурилиш ишлари ўз якунига етиб юртдошларимиз учун фойдаланишга топширилди.



Бугун, 10 май куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш асносида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжидга ташриф буюрди.





Давлат раҳбари янги мажмуани кўздан кечиран экан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эканликларини эътироф этди. У киши ўз ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганишга ва тарғиб қилишга, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бахшида қилганликлари ёдга олинди.

Мажмуа таркибидаги масжидга кираверишда муҳташам ички ва ташқи пештоқ қад ростлаб турибди. Мажмуани безаб турган иккита минора устига кичик гумбазлар ўрнатилган, қуббаларидаги ҳилол масжид кўркига ўзгача чирой бериб турибди.




Масжид деворларини безашда анъанавий ва замонавий усуллардан фойдаланилган. Масжидга чирой бериб турган нақш безаклари у ерга ташриф буюрувчи ҳар бир инсон руҳиятида олам-олам илиқ тасаввур пайдо қилади. Яна эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда зиёрат туризми ривожланаётган бир пайтда янги мажмуанинг бунёд этилиши, туризм равнақига ўз ҳиссасини қўшмай қолмайди.



Шунингдек, мажмуа ҳудудида жойлашган “Сўгалли ота” мақбараси ҳам тўлиқ таъмирланди.

Худуд ўз ичига намозхона, аёллар намозхонаси, таҳоратхоналар, 3 та кириш пештоқи, 200 ўринга мўлжалланган анжуманлар саройи, ташқи ва ички фавворалар, мажмуа саҳни, автоуловлар учун тўхташ жойларини олган.







Мажмуа ҳовлиси тўлиқ кўкаламзорлаштирилиб, ташриф буюрувчи зиёратчиларга қулайликлар яратиш мақсадида замонавий русумдаги ўриндиқлар, чиқинди қутилари ўрнатилди.

Лойиҳага мувофиқ мажмуа ичида бунёд этилган музейдан эса Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг умр йўлига оид қимматли маълумотлар, турли қўлёзмалар, у кишининг илмий мероси ўрин олган.

Азиз юртдошлар! Яна янги бир масжид барчамизга муборак бўлсин!

islom.uz портали таҳририяти